



Олий ва ўрта махсус таълими
вазирлигининг 2014 йил "13" *ММ*
-сон буйруғига 3-илова

Олий таълими бошқарув органларининг расмий веб-сайтларига
жойлаштириш мажбурий бўлган ахборотлар

РЎЙХАТИ

Олий таълими бошқарув органларининг расмий веб-сайтларига
қуйидаги ахборотлар жойлаштирилади:

1. Олий таълими бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
2. Олий таълими бошқарув органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотлар;
3. Олий таълими бошқарув органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;
4. Олий таълими бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;
5. Олий таълими бошқарув органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;
6. Олий таълими бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;
7. Олий таълими бошқарув органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;
8. Амалга оширилишида Олий таълими бошқарув органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;
9. Олий таълими бошқарув органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (худуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

10. Олий таълими бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;
11. Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;
12. Олий таълими бошқарув органлари томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;
13. Олий таълими бошқарув органларининг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);
14. Олий таълими бошқарув органларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортининг қатнов йўллари, тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;
15. Олий таълими бошқарув органларининг раҳбарлари, шунингдек ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахслар чиқишларининг матнлари;
16. Олий таълими бошқарув органлари ҳузурида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;
17. Олий таълими бошқарув органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати;
18. Олий таълими бошқарув органларининг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ҳамда ахборот тусидаги шарҳлар;
19. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот ҳамда фуқароларни қабул қилиш жадвали;
20. Олий таълими бошқарув органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;
21. Келиб тушган ариза, таклиф ва шикоятларни, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот.